



Уч кундан буён Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежининг спорт мажмуаси вилоятимизнинг узок-яқинидан келган меҳмонлар билан гавжум. Бу ерда қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган минтақавий кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Вилоят ҳокимлиги, архитектура ва қурилиш бoш бошқармаси, "Қишлоққурилишбанк" очик акциядорлик тижорат банки ҳамда "Қишлоққурилишбанк" инжиниринг компаниясининг ҳамкорлиги ва ташкилотчилиги кўргазманинг юқори савияда ўтишини таъминламоқда. Қишлоқ уй-жой бинолари, ижтимоий-маданий ва маиший объектларнинг намунавий лойиҳалари, ништ, шифер, черепица ва бошқа шу каби том қопламалари, мебель жиҳозлари, пардозлаш материаллари, пластмасса қувурлар, турфа эшик ва дераза ромлари кўргазма экспозициясидан жой олган.



ҚУРИЛАЖАК БУ УЙЛАР АФСОНА ЭМАС

Мазкур кўргазма вилоятимизнинг қишлоқ қурилиш индустриясида катта аҳамиятга эга бўлган муҳим тадбир ҳисобланади, — дейди кўргазмани очар экан вилоят ҳокими Рустам Холматов. — Уни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад, қишлоқларимиз қиёфасини тубдан яхшилаш, аҳоли учун қулай турмуш шароитини яратиш борасида амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштиришдир. Қолаверса, бу кўргазма вилоят аҳолисини уй-жой қурилиши ва қишлоқ шароитини яхшилаш бўйича намунавий лойиҳалар, уларни имтиёзли кредитлаш ва молиялаштириш механизми ҳамда ишга тушириш жараёни билан яқинроқ таништириш имконини бермоқда.

Шу йилнинг 29 январида республика Президентининг "Уй-жой фондиди фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинган эди. Бу қарор мамлакатимиз шаҳарлари ва аҳоли пунктлари қиёфасини тубдан ўзгартириш ҳамда қурилиш архитектуравий режалаштирилган ҳолда ташкил этишни жонлантриб юборди. Орадан кўп ўтмай мамлакат раҳбари "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорга имзо чекди. Бу эса, қишлоқ аҳолиси учун бош режа ва намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши кўламини кенгайтириш, шу асосда қишлоқ аҳолисининг тураржой шароитларини тубдан яхшилаш учун муҳим асос бўлди.

Кўргазмани бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли савий-ҳаракатларнинг дастлабки амалий натижаси, дейиш мумкин. Унга архитектура, қурилиш, транспорт, алкока, коммунал хизмат соҳасининг раҳбар ва вакиллари таклиф этилди. Шу



нингдек, қурилиш материаллари ва жиҳозларини ишлаб чиқарувчилар, улгуржи-чакана савдо компанияларининг мутахассислари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, лойиҳачилар ҳамда вилоятимиз қишлоқ аҳолиси вакиллари ҳам таширф буюришди.

— Кўргазмада 30 га яқин турли лойиҳаларни тақдим этмоқдамиз, — дейди "Қишлоққурилишлойиҳа" масъулияти чекланган жамияти вакили Шукрулло Юнусов. — Кичик шаҳарчалар, яқка тартибдаги уй-жойлар, маданий-маиший ҳамда ижтимоий объектларни қуриш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳаларимиз таширф буюрувчиларга маъқул келмоқда. Лойиҳаларнинг турли табиий иқлим шароитларига мослиги, замо-

рид қилиш учун пулни қаердан оламан, деган савол ўйлантириши мумкин. Кўргазмада айнан мана шу саволга ҳам жавоб топасиз.

Қишлоқ аҳолисига замонавий уйлари харид қилишлари учун кредитлар беришни бошлаб юбордик, — дейди "Қишлоққурилишбанк" вилоят бўлими раҳбари Жунайдулла Набиқонов. — Бунинг учун "Қурилиш-га сармоя" мақсадли омонат тури очилган. Унга маблағ қўйган шахсининг жамғарган омонати миқдори кредит миқдорининг камида 25 фоизга етган ҳолда омонат эгаси банкдан уй-жой қуриш учун имтиёзли тарзда кредит олиш имкониятига эга бўлади. Кредитлар 15 йилгача муддатга берилади. Бу йил Бўка, Янгийўл ва Чиноз туманидаги фуқароларга уй-жой олишлари учун 3 миллиард 600 миллион сум атрофида маблағ ажратишни мўлжаллагамиз.

Чинозлик Нодиржон Қудратов, Арофат Эгамбердиева ва Муроджон Қосимовлар банкнинг ана шундай имтиёзли кредити ҳисобига замонавий уй сотиб олишни мақсад қилишган. Бўқалик Зиёвуддин Шамсиев уй харид қилишни хоҳловчи фуқаролар рўйхатининг аввалида турибди. У аллақачон банк билан керакли ҳужжатларни расмийлаштириб қўйди. Янгийўл туманида яшовчи фуқаролар Аннур Раҳматуллаев, Сайфулла Каракулов, Суннатилла Қосимов ва Олдуз Назарматова яхши ниятлар билан "Қурилишга сармоя" омонат турига 1 миллион сўмдан маблағ қўйишди. Қувонарлиси, орау-хавасли бундай инсонларнинг савий кундан-кунга кенгайиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, кейинги йилларда қишлоқ жойларда бунёдкорлик-обodonчилик кўламини ортиб борагани сайин қурилиш маҳсулотларига ҳам талаб кўпаймоқда. Шу сабаб вилоятимизда қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг модернизациясига, шунингдек, янги ва сифатли маҳ-

сулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Кўргазмада вилоятимиз корхоналари ва тадбиркорлари ишлаб чиқараётган қурилиш ва жиҳозлаш маҳсулотлари билан яқиндан танишиш имкони туғилди. Янгийўл туманидаги "Расулов" масъулияти чекланган жамияти мутахассислари эшик, сув эмульсияси ва шпатлёвка маҳсулотларини тақдим этишган бўлса, Ўртачирчиқ туманидаги "Оригинал дизайн мастер" корхонаси эса деворбоп, шифтга ишлатиладиган ҳамда намба чидамли гипсокартон маҳсулотларини намойиш этди. Шунингдек, "Пластерн технологияси", "Темир бетон маҳсулотлари", "Махсусполимер" каби корхоналарнинг маҳсулотлари жойлаштирилган экспонат ва стендлар олдидан одам ари-мади.

— Корхонамиз 2007 йилда ташкил этилган, — дейди Зангиота туманидаги "Зийнат Зиё" хусусий корхонаси раҳбари Зиёвуддин Самариддинов. — Иш фаолиятимиз мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришдан иборат. Кўргазмадан ўзимиз қизқич-қан кўп нарсаларни билиб олдик. Қурилиш мўлжалланаётган замонавий уй-жойларни қўриб, хавасимиз келди. Ана шундай замонавий уйлари ўзимизнинг сифатли мебель маҳсулотлари билан жиҳозлаш ниятимиз бор.

Бўгун кўргазма ўз яқини етади. Ундан барча-барча илиқ таассуротлар, аниқ тушуналлар ҳамда қатъий режалар билан қайтиши шубҳасиз. Энг асосийси, энди қишлоқларимиз қиёфаси янгиланиб, замонавий қўриниш ола бошлайди.

Хурида НАЗАРОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.
СУРАТАЛАРГА: минтақавий кўргазма иштирокчилари замонавий уй-жой лойиҳалари билан танишмоқда.
Еркебой БОТИРОВ ва **А. ЁҚУБОВ (ЎЗА)** олган суратлар.

ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Тошкент вилояти сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов тўғрисида"ги қонунининг 21-моддасига мувофиқ сиёсий партияларнинг 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтadиган Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайловда иштирок этишига доир ариза ва бошқа ҳужжатларини кўриб чиқди.

Вилоят сайлов комиссияси аризалар тушиши тартибига кўра, 2009 йил 16 октябрда қабул қилинган 4, 5, 6 ва 7-қарорларига биноан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Тошкент вилояти кенгаши, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят кенгашининг Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайловда қатнашишига ижозат берди.

«АСЛ ОЙНА» ИШ БОШЛАДИ

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида, айниқса, мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш, етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш борасида изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Соҳага илгор технологияларни жорий этиш, ускуналарни янгиллаш ва корхоналарни қайта жиҳозлаш тайёрланаётган маҳсулотларнинг рақобатбардорлигини оширмоқда.

Қаратилаётган улкан эътибор самарасида қўллаб-қўллаб чиқариш объекти-ри фойдаланишга топширилиб, уларда маҳсулотларнинг янги турлари ўзлаштирилмоқда. Қуни кеча пойтахтимизнинг Сергели туманида "Асл Ойна" очик акциядорлик жамиятининг ишга туширилиши ҳам бунинг яққол мисолидир. Бу ерда халқро сифат талабларига тўла жавоб берадиган турфа хил дизайн ҳамда сийимдаги рангли ва рангсиз қадоқлаш шиша идишлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Мазкур идишлар мамлакатимизда етиштирилаётган мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш, консерва ва ёғмоя саноати маҳсулотларининг хариддорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тошкент туманидаги "Меҳнат" агрофирмаси томонидан бунёд этилиб, ишга туширилган замонавий корхона юқори технологик ускуналар билан жиҳозлангани ишлаб чиқари-

лаётган маҳсулотнинг халқро андозаларга мослиги ҳамда юқори сифатини таъминлашда қўл келади. Хусусан, игнасимон рекуператорли шиша пишириш қозони иш унумдорлиги юқорилиги ва камҳаржлиги билан ажралиб туради.

Энг асосийси, шиша маҳсулотлари юртимизда мавжуд қум, доломит, оҳак, кальций содаси каби маҳаллий хом ашёлардан фойдаланилган ҳолда тайёрланмоқда. Технологик жараёнларнинг автоматик бошқарилиши эса маҳсулотларни бир маромда, сифатли тайёрлашни кафолатлайди. Қарийб 200 янги иш ўрни яратилган мазкур корхонада йилга 124,6 миллион дона турли сийимдаги қадоқлаш идишлари ишлаб чиқарилади. Илгари юртимиздаги кўпгина корхоналар ана шундай шиша идишларини четдан валютага харид қилар эди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири.

Ўқув-машғулот

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ — ДАВР ТАЛАБИ

Бугунги кунда мамлакатимизда мингдан ортик оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Уларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида республика Президенти ташаббуси билан "Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди" ташкил этилганидан буён қатор тадбир ва дастурий лойиҳалар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири — "Худудий тахриратдаги журналистларнинг компьютер саводхонлигини ошириш" лойиҳаси бўйича ўқув курси Германия техника ҳамкорлик жамияти билан биргаликда уюштирилди. Лойиҳадан кўзда тутилган асосий мақсад худудий тахриратлар ижодий ва техник ходимларнинг компьютерда ишлаш, интернет ресурслари ҳамда электрон почтадан фойдаланиш, интернет воситасида материал тайёрлашда ахборот излаш, фойдаланиш ва айирбаслашни кенгайтириш борасидаги билим-қўникмаларини

ошириш, худудий босма оммавий ахборот воситалари тахриратлари ва марказий медиатизилмлар ўртасида ахборот алмашинув жараёнини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган. Ушбу лойиҳа доирасида республика вилоятларида худудий босма ОАВ журналистлари ўқув курсларида юқори маалакли мутахассислардан сабоқ олдилар.

Машғулотларда фаол иштирок этган Тошкент вилояти журналистлари ва техник ходимлари билим ва малакаларини янада мустаҳкамладилар. Сайёра ЭШМАТОВА.

21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинган кун

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академиясида "Она тили — ўзликни англаш ва миллат руҳининг ифодасидир" мавзусида бир гуруҳ ижодкорлар билан учрашув бўлиб ўтди.

МИЛЛИЙ ТАФАККУР ИФОДАСИ

Мамлакатимиз Конституциясида "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир", дея қайд этилган. Бу она тилимизнинг бошқа давлат рамзлари қаторида қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган бебаҳо маънавий мулкка айланганидан далолатдир. Талаба-ёшлар билан савий руҳда ўтган учрашувда шoirлар — Аҳмад Хўжа, Воҳид Лукмон ва бошқалар шулар хусусида сўз юритдилар. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши она тилимизнинг ривожланиши ва истеъмода доирасининг кенгайишида муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Ф. МАҲКАМОВА,
ЎЗА муҳбири.

МИЛЛАТНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

"Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун қабул қилинганига йигирма йил тўлди. Тил ҳар бир миллатнинг ўзига хос белгиси, улкан ва бетакорр бойлиги.

Мамлакатимизда кўра, Ер юзиде беш мингга яқин тил ва лаҳжа бор. Ҳар бирида йигирма миллиондан ортик одам гаплашадиган тилларнинг умумий сони эса қирқкача бормайди.

Яна бир қизиқарли рақам: Ер юзиде минглаб тил ва лаҳжалар мавжуд бўлгани ҳолда атиги юзга яқин тил давлат тили мақомига эга. Демак, биз ҳам она тилимиз билан фахрланишга ҳақликимиз. Ўзбек тилида мамлакатимиздан ташқарида ҳам миллионлаб кишилар сўзлашади. Турли мамлакатларда ўзбек тилида китоблар, газета ва журналлар нашр этилади.

Айни пайтда дунёнинг кўплаб мамлакатларида, олий ўқув юртларида

йўлда буюк ишларни амалга оширганлар. Лутфий, Саккокий, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Бобораҳим Машраб сингари буюк сўз санъаткорлари тилимизда гўзал ва бетакорр назм дурдоналарини яратиб, унинг умрбоқийлигини таъминлаб кетганлар.

Ҳазил мулкининг султони ҳазрат Алишер Навоий "Лисон ут-тайр" достониде битганларки: Турк назмида чу мен тортиб қалам,

Айладим ул мамлакатни яққалам. Дарҳақиқат, улуг бобомиз ўзбек тилида нодир асарлар яратиб, бутун элни ягона тил, ягона қалам остида бирлаштира олган эдилар.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан пойтахтимизда 2-болалар мусика ва санъат мактабиде мусика асбоблари, ускуналар ва ўқув жиҳозлари кўргазмаси ташкил этилди.

МАҚСАД КЎМАК БЕРИШ

Халқ таълими вазирлиги Ф. Шоумаров Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида ёш авлод истеъдодини хар томонлама ривожлантириш, санъатга оид билими, иқтидори, бадий савиясини янада бойитиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга таътиб этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва улғайтиш фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган

Давлат дастури каби ҳужжатлар бунда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур кўргазмадан кўзланган асосий мақсад мусика йўналишидаги таълим масканларига, уларнинг раҳбар ва педагогларига услубий кўмак кўрсатиш, соҳага оид янгиликлар ва ютуқлар билан жамоатчиликни кенг таништиришдан иборат.

Кўргазмадан халқ ва аънавий, классик чолғу асбоблари, мусика санъатига оид ўқув жиҳозлари, адабиёт ва ноталар намуналари кенг ўрин олган.

ЎЗА.

2010 обуна йил учун бошланди

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ газетасининг индекси — 205.

МИЛЛАТНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

Ул зот "Муҳокамат ул-лугатайн" асарида тилимизнинг нақадар бой ва серкирра, нафис ва сержилло эканлигини, ҳеч бир тилдан кам эмаслигини исботлаб берганлар. Хали истибод кишанлари парчаланмаган бир пайтда - 1989 йилда Юртбошимиз ташаббуси билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши катта жасорат, халқимизнинг маънавий ҳаётидаги муҳим воқеа эди. Утган давр мобайнида ҳойларда мазкур тарихий қонун ижроси юзасидан улкан ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Бу борадаги ишларни истаганча таҳлил этиш, кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Дарҳақиқат, расмий идораларда иш асосан давлат тилида юритилмоқда. Давлат ҳокимияти, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқарув органларининг ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинмоқда. Айни вақтда мамлакатимиз ҳудудда яшовчи миллат ва элатларнинг тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланмоқда, уларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Давлат тилига эътибор, унинг мавқеи нафақат меъёрий ҳужжатларда, расмий идораларда, балки кўча-кўйдаги битиклар, лавҳалар, турли эълонларда ҳам яққол кўзга ташланади. Эъти-

бор қилганмисиз, кўча-кўйларда, транспорт воситаларида, айниқса, метро вагонлари, симёғоч ва махсус устунлардан жой олган эълонлар орасидан ўзбекчасини камдан-кам учратасиз. Борлари ҳам ғализ, тушунарли. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

"Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг 20-моддасида бундай дейилган: "Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин".

Кино, телевидение, радио, матбуот нашрлари тилнинг асосий тарғиботчилари саналади. Бинобарин, суҳандонлар, бошловчилар, режиссёрлар, актёрлар ва бошқа тегишли соҳа вакиллари ўзбек тилига ҳурмат билан ёндошишлари, адабий тил меъёрларига риоя этишлари шарт. Бу фикрларимиз ҳусусий каналлардаги айрим радио ва телебошловчиларга ҳам тааллуқли. Албатта, жонли эфирнинг машаққатли томонларини тушуна бўлади. Аммо тилимизда ҳар бир сўзнинг ўз ўрни, ўз мазмун-моҳияти бор. Аслида сўз айта билиш, тилнинг ички имкониятларидан оқилона фойдалана олиш ҳам санъат. Ана шу масъулиятни чуқур ҳис эта олмаган, нотикликнинг қонун-қоидалари,

тил қурилиши, адабий тил меъёрларидан беҳабар киши микрофонга яқин келмагани маъқул. Кези келганда яна бир мулоҳазани айтиб ўтайлик. Баъзи ҳолларда матбуот нашрларида ҳам тил меъёрлари бузилаётган, айрим атамаларнинг ўзбекча шакли мавжуд бўлгани ҳолда бошқа тиллардаги муқобилидан фойдаланилаётган ҳолатлар учрамоқда. Марокеш, Алжир, Йемен, Кувейт, Сирия, Израил, Катар, Баҳрайн сингари жўрофий атамалар ўзбек тилида Марокаш, Жазоир, Яман, Кувейт, Сурия, Исроил, Катар, Баҳрайн тарзида ёзилиши ва айтилишини баъзи ҳамкасбларимизга эслатиб қўйиш жоиз кўринади. Ўзбек тили фасоҳати, камрови, имкониятлари, бойлиги жиҳатидан дунёдаги ҳар қандай тил билан беллаша олади. Айрим тилларда биргина сўз билан ифодаш мумкин бўлган сўзларнинг ўзбек тилида тўрт, беш ва ундан кўп маънодошларини топиш мумкин. Ўзбек тили халқимизнинг энг азиз ва бемисл бойлигидир. Уни асраб-авайламоғимиз, кўз қорачиқдек асрамоғимиз, келгуси авлодларга тўлалигича, бутун ғўзаллиги билан етказмоғимиз ҳам фарз, ҳам қарз. Бу йўлда бизга "Давлат тили ҳақида"ги қонун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Рустам ЖАББОРОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.



МАШАҚҚАТЛАР УНУТ БЎЛДИ

"Шокир Ҳамдам" фермер хўжалиги ташкил этилганига эндиgina уч йил бўлди. Шунга қарамай, у Куйичирчиқ туманида илғорлар қатори тилга олинапти. Бу беҳиз эмас. 20,8 гектардаги ғалла баракали ҳосил тўқди.

Давлат ахтиёрлари учун 90 тонна дон топирилди. Аъзоларга 30 тонна бугдой тарқатилди. Ҳосилдорлик қарийб 60 центнерга тўғри келди. Соф фойда 6 миллион сўмдан ошди.

Иккинчи асосий экин — пахтадан ҳам йил оғир келганига қарамай, баракали ҳосил олинди. 41 гектар

майдондан шартномадаги 115 тонна урнига 125 тонналик хирмон уюлди. Ҳосилдорлик 30 центнердан ошди.

— Йил оғир келиб, меҳнат машаққатли кечса, эришилган ютуқ ҳам жуда завқли бўлиб, чарқоқлар тез унут бўларкан, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Шокир Давлатов. —

Бу йил шу нарсаларга қатъий ишонч ҳосил қилдикки, табиий қийинчиликлардан қўчмай, дадил ҳаракат қилинса, муваффақиятга эришиш осон кўчаркан, айниқса, даромадга барака кираркан. Бу эса, ўз навбатида хўжаликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаб, янада кенгайтириб боришнинг асосий шартидир.

СУРАТДА: фермер Шокир Давлатов.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ФЕРМЕРНИНГ ШИЖОАТИ



Бўка туманидаги Барот Умаров номли фермерлар уюшмаса пахтакорлари туманида пешқадамликни кўлдан бермай келишапти. Бунда уюшмага қарашли "Азизова Шоҳида" фермер хўжалигининг ўз ўрни бор. Шоҳида Азизова етакчилик қилаётган хўжалик аъзолари Бўка туманида биринчи бўлиб шартномани бажардилар. 25 гектар ердан биринчи теримнинг ўзидек 30 центнердан ошириб ҳосил олинди. 75,5 тонна пахтанинг ҳаммаси биринчи навларга сотилди.

Албатта, ёзи билан қилинган меҳнат ўз самарасини берди. Илғор механизатор Анвар Султонов, суғиларчи Акбар Усмонов, Вали, Қайом ва Акмал Турсуновларнинг сўй-ҳаракати зое кетмади. Ўза қатор оралари вақтида ишлов берилди, маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланилди. Агротехник тадбирлар вақтида ўтказилди.

— Қисқа муддатда уйған хирмонимизда беистисно барча

аъзоларнинг ҳиссаси катта, — дейди Шоҳида Азизова. — Улар йиғим-теримда жонбозлик кўрсатишди. Хали далаларимизда ҳосил бор. Мўлжалимиз — яна камида 15 тонна пахта сотиб, умумий ҳосилдорликни 35 центнердан оширишди. Шунга яраша моддий манфадорлигимиз ҳам ошди. 25-30 миллион сўм атрофида соф даромадга эришишни мўлжаллаб турибмиз.

Ашуралӣ БОЙМУРОВОВ.

Вилоят пахтазорларида терим мавсуми ҳал қилувчи паллага кирган айни кунларда кўплаб қорхона, ташкилот ва муассасалар теримчиларни ҳам моддий, ҳам маънавий кўллаб-қувватлашга ҳаракат қилмоқда.

Хусусан, вилоят давлат ветеринария назорати бошқармаси бу борада намуна кўрсатмоқда. Бошқарма бошлиғи Малика Сатторова раҳбарлигидаги бир гуруҳ ветеринар-мутахассислар Чиноз тумани пахтазорларида бўлиши, илғор теримчиларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлашди.



СУРАТДА: бошқарма бошлиғи Малика Сатторова кунлик юқори натижага эришган теримчи Равшанбек Юсуфхўмедовга эсдалик совғаси топширмоқда.

Пардабой ЭРГАШЕВ олган сурат.

Тақдирот

ЎТМИШГА ЯНА БИР НАЗАР

Таниқли олим, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Эдвард Ртвеладзе-нинг "Ўзбекистоннинг тарихий ўтмиши" номли китобининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Китобда Ўзбекистоннинг қадимги даврларидан то XIX аср ўрталаригача бўлган тарихий ўтмиши ёрқин ва мазмунли тарзда баён этилган. Бу шунчаки монография эмас, балки илмий-оммабол рисола бўлиб, унда келтирилган Ўзбекистоннинг сиёсий ва сулолавий тарихига оид воқеалар осонгина тушунилади.

Ушбу китобнинг биринчи нашри 2005 йили 1000 нусхада чоп этилган ва тезда кўлма-кўл бўлиб кетган эди. Уларни, хатто, нодир китоблар дўконидан ҳам топиш мушкул бўлганди. Иккинчи нашр бир қатор тузатишлар киритилиб, янги маълумотлар билан тўлдирилди. Китобни чоп этишда Грузиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, "Silk Road Group A.S." компанияси ва "Mir Inform" масъулияти чекланган жамияти ёрдам кўрсатди.

Китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган. **Хуршида НАЗАРОВА.**

МАЪНАВИЯТ ВА ТАЪЛИМ ЭГИЗАК

Халқ таълими вазирлигида "Ақлга билим, қалбга маънавият" мавзусида республика семинари бўлиб ўтди.

Семинарда асосий эътибор ўқувчилар ўртасида китобхонлик маданиятини шакллантириш, бу борада таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларига методик ёрдам кўрсатишга қаратилди.

Тадбирда мутахассислар томонидан маънавий-маърифий ишларни тизимли асосда ташкил этиш, узулсиз мониторинг ва прогнозлаш механизмларини яратиш қабилари амалиётга жорий этиш бораида маслаҳатлар берилди. "Туркистон-пресс".

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда санаот ва уй-жой қурилиши, ўқув муассасалари, қишлоқ врачлик пунктларида электр энергия, иссиқ ва совуқ сув, газ таъминоти бўйича катта ўзгаришлар юз бермоқда.

Хусусан, вилоятнинг барча аҳоли истиқомат жойларида газ таъминоти яхшиланган астойдил ҳаракат қилинмоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида 3,8 километр газ тармоқларини капитал таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, амалда 4,91 километр таъмирланди ва ишга туширилди. Йилнинг иккинчи чорагида эса бу борадаги режа ортга билан бажарилди.

2009-2010 йил куз-қиш мавсумига вилоят аҳолиси ва ижтимоий соҳа объектларини тайёрлаш бўйича ишлаб чиқилган дастурга асосан 84,6 километрлик газ тармоқларини тўлиқ таъмирлаш керак эди. Ҳозиргача 101,7 километрлик газ тармоқлари мукамал таъмирланди. Асосий максатимиз табиий газ беҳуда йўқотилишининг олдини олиш, аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига қиш мавсумида бир маромада табиий газ етказиб беришни таъминлашдир. Шу мақсадда Бекобод туманидаги "Ўзбекистон", Юқоричирчиқ туманидаги Туркистон фермерлар уюшмалари, Куйичирчиқ туманидаги Бинокор кўрғонига йўналган юқори босимли, Чиноз тумани

Олмазор қишлоғидаги "Богбон" маҳалласига йўналган ўрта босимли газ тармоқларини тартибга келтирилади.

Шу билан бирга "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг бажариш юзасидан анги қороналар барпо этиш ва ишлаб турганларини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш сарф-ҳаражатларини камайтириб, тайёр маҳсулот нархи арзонлашувини таъминлайдиган замонавий, энергияни тежайдиган технологияларни татбиқ қилиш, сифатли деворлар қурилиш материалларини қўлайтириш, бойитиш, уй-жой, айниқса, қишлоқ жойларда иморат қураётган илғорлик талаб-эҳтиёжини тўлиқроқ қондиришга ҳаракат қилаёмиш.

Таъкидлаш жоизки, бу-

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ САМАРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида "Ҳабеас корпус ва мустақил суд тизими: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Германиянинг Фридрих Эберт жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда

олимлар, юристар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этиди.

Семинарда Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизими, Ҳабеас

корпус институтини амалда қўллаш, шунингдек, Германия суд тизимининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида маърузалар тингланди. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизими ислохотларининг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ў.А.

гунги кунда Тошкент, Чиноз, Паркент, Пискент, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Зангиота, Қибрай, Бекобод, Бўстонлик, Окқўрғон туманларида 88 та, Янгийўл, Чирчиқ, Олмалик, Оханга-

лар қўлланилаётганини таъкидлаш жоиз. Унда Вазирлар Маҳкамаси Давлатимиз раҳбарининг "Деворбоп материаллар ишлаб чиқишни қўлайтиришни рағбатлантириш ва сифати-

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг тегишли ҳудудий органлари томонидан қорхона махсус печлардан фойдаланган ҳолда замонавий, энергияни тежайдиган технологиялар асосида пишиқ гишт ишлаб чиқараётганини таъкидловчи хулоса берилиши белгиланган.

Бу борада Янгийўл, Қибрай, Ўртачирчиқ туманларида қорхона раҳбарлари билан учрашувлар уюштирилиб, жорий қилинган янгилликларнинг мазмун-моҳияти атрофича тушунтирилди. Фурсатдан фойдаланиб, тадбиркорлар ва қорхона раҳбарлари бу ҳусусда ўзларини қизиқтирган саволлар ҳамда вужудга келган муаммолар юзасидан "Ўздавнефтегазинспекция" вилоят ҳудудий бўлимига (Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 32-А уй. Тел.: 267-84-89. Электрон манзил: ngi@uzrak.uz. Интернет манзил: www.ngi.uzrak.uz) мурожаат қилишлари мумкинлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Бахтиёр ШАРИПОВ,
"Ўздавнефтегазинспекция"нинг вилоят бўлими етакчи муҳандис-технологи.

ТЕЖАМКОРЛИКДА ГАП КЎП

рон шаҳарларида 34 та гишт қорхоналари фаолият юритмоқда. Улар маҳсулот ишлаб чиқаришда табиий газдан фойдаланадилар.

Вилоят ҳокимлигининг қарорига мувофиқ, 2010 йилнинг 1 январига қадар пишиқ гишт ишлаб чиқарувчи қорхоналарнинг модернизация қилиниб, ностандарт, тежамсиз печлар энергия ва ресурсларни тежайдиган технологияларга алмаштирилган. Шу муддатгача печларни энергияни тежайдиган технологияларга алмаштирилган, белгиланган солиштирма сарф меъёрларидан ортиқча табиий газ ишлатган қорхоналарга ёниғи улғуржи нархларда берилди.

Шу ўринда бундай қорхоналар учун бир қатор янги имконият ва имтиёз-

ни яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ пишиқ гишт ишлаб чиқарувчи қорхоналарда солиқ имтиёзлари ва перференцияларини қўллаш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқилган. 2009 йилнинг 1 июлидан 2012 йилнинг 1 январига қадар махсус печлардан фойдаланган ҳолда, замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида ишлайдиган қорхоналар юридик шахслардан олинмаган фойда солиғи, қўйилган қиймат солиғи, ер қайридан фойдаланганлик учун солиқ тўлашдан озод қилинади. Шунингдек, сув ресурсларидан фойдаланганлик, мол-мулк солиғи ва шу каби солиқларни ҳам тўламайдилар. Бунинг учун

олишди. Бу партия сайланма органлари ва депутатлик гуруҳларининг стратегик сиёсий вазифаси бўлиб қолажаги алоҳида таъкидланди. У партия ташкилотларининг сайловолди платформасини ишлаб чиқиш чоғида ҳам асос бўлиб хизмат қилди.

Пленум тегишли қарор қабул қилиб, сайловлар самарали ўтказилишини таъминлашга хизмат қилувчи зарур ташкилий-мафқуравий чораларни белгилади.

Шунингдек, пленум Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VII қурултойига делегатлар сайлади, сайловларни уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган бошқа қарорлар қабул қилди.

Жўрабек МУРОВОВ.

ҲАРАКАТ РЕЖАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар кўни яқинлашгани сари сиёсий партиялар ва экологик ҳаракат фаолияти тобора фоллашмоқда. Турли ўқув-семинар, даража суҳбатларида сайловларга тайёргарлик ва уни уюшқоқлик билан ўтказишга доир масалалар муҳокама қилинмоқда.

Чунончи, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг II пленумида партия ташкилотларининг сайловларда иштироки тўғрисидаги масала қўриб чиқилди. Унинг ишида кенгаш аъзолари, шаҳар ва туман партия ташкилотлари етакчилари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси,

халқ депутатлари вилоят кенгашидаги ХДП депутатлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Пленум вилоят партия кенгаши раиси Сирожиiddин Абзамовнинг сайловолди тайёргарлик ишларини фоллаштиришга доир маърузасини тинглади

ва муҳокама қилди.

Таъкидландики, 2004 йили бўлиб ўтган сайловлардан кейинги даврда вилоят партия ташкилотлари долзарб ижтимоий вазифаларни ҳал этишда бир қатор тажриба орттирди. Партия кенгашлари қоидага жамоатчилик қабул-хоналарининг фаоллиги кўчади. Уларга ўтган уч йил мобайнида 4160 дан зиёд фуқаро мурожаат қилди. Кўтарилган масалаларнинг қарийб 70 фоизи ижобий ҳал этилди. Халқ демократик партиясининг вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари 700

дан зиёд депутатлик сўрови қиритиб, долзарб муаммоларга ечим топишга ҳаракат қилди.

Пленум иштирокчилари, шунингдек, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ҳамда инкирозга қарши чора-тадбирлар дастурининг устувор ижтимоий масалаларини ҳал қилиш мақсадида ишлаб чиқилган вилоят партия ташкилотларининг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастуриларини бажаришда партия ташкилотларининг амалий иштирокини қўлайтириш вазифалари ҳақида ҳам фикрлашиб

чиқмади. Хизмат сафари билан узоқ вилоятнинг марказий шифохонасига бордим. Ушунда хирургия бўлимида бир бемор қизилўнғачдан қон кетиш ташхиси билан ётган экан. Унинг аҳоли, жуда оғир эди. Агар зудлик билан операция қилинмаса, бемор нобуд бўлиши мумкин. Вақт кеч бўлишига қарамай, биз операция ўтказишга қарор қилдик. Беморнинг аҳоли оғир, қандай йўл тўтасан уни сақлаб қоламиз, деган савол ҳаммамизни қийнади. Шу тобда Тошкентга — домлага қўнғирқор қилиш фикри уйғонди. Кеч бўлишига қарамай, Аҳмад Янгиев бизга зарур маслаҳатларни бердилар. Улар кўрсатган йўл-йўриқлар туфайли ўша тунда беморни сақлаб қолишга муваффақ бўлдик. Бугунги кунда тиббиётда қизилўнғач касалликлари "падиор" усулида даволаш мавжуд. Аҳмад Янгиев ушбу усулнинг мохир устаси бўлган. Ўша тунда бўлиб ўтган операция ҳам падиор усулида бажарилганди. Хар сафар операцияга кирганимда, домланнинг ўғитлари, насихатлари ҳаёлимдан кетмади.

Юнус ШАРИПОВ.

ҚИЗИҚАРЛИ АНЖУМАНЛАР, ЁРҚИН КЎРГАЗМАЛАР

Пойтахтимизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Бадий академияси, ЮНЕСКОнинг юртимиздаги ваколатхонаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган V Халқаро замонавий санъат биеналеси қизиқарли маданий-маърифий тадбирларга, санъат анжуманларига бой бўлмоқда.

"Замонавий санъат" танлаш стратегияси мавзусидаги илмий анжуман ана шундай тадбирлар сирасидан бўлди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т. Қўзиёев Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида юртимизда янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш жараёнида олиб борилаётган ислохотларда миллий ўзликни аниқлаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш, маданий-маърифий жаҳонларни изчил равишда топириш, ижодкорларнинг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш устувор ўрин тутганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда барпо этилаётган жаҳон андозалари талабларига мос қўллаб маданият ва санъат қонақоналиги, тасвирий санъат галерейлари, бадий кўргазма заллари, мусика ва тасвирий санъат йўналишидаги билим даргоҳлари, ижодиёт марказлари, маърифий муассасалар халқимизни миллий ва жаҳон санъатининг энг ноқир намуналаридан баҳраманд этиш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий аниқ ва қадриятлар руҳида қамол топан инсон этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Санъат, маданият, таълим ва маънавият соҳасига кўрсатилаётган бундай эътибор истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларнинг иқтидорини ва қобилиятини тўғри йўналтириш, халқаро миқёсдаги турли кўрик-танловлар, ижодий анжуманлар, кўргазмалар, фестиваллар, интеллектуал беллашувларда соғинарли ўринларни қўлга киритишда муҳим омили бўлмоқда.

Ўзбек расмларининг ижоди менга яхши таниш, — дейди австриялик мусав-

**Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.**

"Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ" деган гапни тез-тез такрорлайдиган бир танишмиш яқинда чет элдан қайтди. Тадбиркорликни сув қилиб ичиб юборган ўзича. Аммо ўз тушунчаси доирасида. Шундайларни кўрганда, "салласини ол деса, калласини олади" деб бекор айтилган экан-да, деб уйлаб қоласиз...

Замонга яраша хўп чиқди-да бу компьютерлар, — дейди у гурурланиб. — Ҳозир видеомагнитофон ҳам моддан қолди. Болаларим эртаю кеч "дивиди", компьютердан кўз узмайди, бевақф, бемаҳал кўчага чиқмайди. Айниқса, катта қизимга чет эл сериаллари бўлса бас, эринмай кўради. Отаси ўзимизни киноларга ишқибоз. Авваллари телевизорни талашиб қоларди. Ҳозир хар қим хохлаганини томоша қилади. Компьютерлари бузилиб қолса, қизим бирзумда тузатиб беради. Баъзан, кўзлари қизариб кетгунча қуришади-я, таъба. Бир томондан кўча санъатини, уйда ўтиришганига хурсандман. Ўқиганига ҳам зўрға бориб келади.

Уша видеофильмларни ўзингизам кўрасизми, нима ҳақда эканлигига ҳеч қизиқиб кўрганасиз?

— Э, қандай дейсиз? Вақт бор эканми? Уларни боқиб, кийинтиришни ўзи бўладими? Қолаверса, бўйларни ўсиб, кўзга кўриниб қолишиди. Эрта-индин тўй қилиш керак...

Тушунарли, ўзи чет элдан турли дискарини олиб келаркан-у, нима ҳақда эканлигини билмас эмиш, қизик...

— Уроққон, кечаги дискнинг бериб тур, — дейди бир талаба дугонасига, — телефонимга кўчириб олай...

— Нима қиласан, қўй, онанг кўриб қолса, баалога қолма тагин.

— Э, нима бўпти, ўзлариям кўриб ўтирадилар-у?

— Ҳа, инсонни муҳит тарбиялайди. Бу оддий ҳақиқат. Аммо, вужудимиз, шууримизга ўрнашиб қолган лояқидлик келажакимизга, бориқимизга раҳна қолаётган офатнинг дояси эканлигини ҳамиша ҳам идрок эта-

вермаймиз. Айтилиқ, кўча-кўйда ярим яланғоч ҳолда беҳаё қилиқлари билан каттао кичкинннг эътиборини тортаётган "севишган"ларга танбех бериш ўрнига томошабин бўлиб тураман, ёки кўрмаганга оламиз. Натижада, ўзи хон, қўланкаси майдон бу ёшлар автобус, метрода ҳам ҳеч қимдан тап тортишмайди. Улар ҳам киннингдир ўғил-қизи. Ле-



кин, қандай оилада тарбия топан?

Сўнгги пайтларда тараққиёт, глобаллашув жараёни ҳаётимизга ўз таъсирини ўтказаятганлиги сир эмас. Илгарилари бироз қизиқарли кинофильм, концерт дастурини кўриш учун бир неча кун, ҳатто, ҳафта талаб қилган бўлсангиз, ҳозир истган пайтда, ўз уйингизда кўриш имкониятига эга. Бунга ҳеч қим таққилмаган. Иккинчигиз, эркин ўз қўлингизда. Аммо, эркинлик — бу бебошлик дегани эмас. Жамият тараққиёти, инсон қаломолотиға тўққинлик қиларкан эркинликдан нима наф? Бузғунчилик, диний экстремизм, ахлоқсизликни тарғиб қилувчи аудио-видео маҳсулотларни кўриш, тарқатиш катта жиноят, ўз идишга ўзи бола туриш дегани эмасми?

Ҳозирги кунда ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётган кино-видео маҳсулотлар, айниқса, ёшлар онгига тез таъсир қилади. Уларни тўғри қабул қила олиш учун юксак маънавият, мустаҳкам эътиқод зарур.

Маънавият, эътиқод деганлари ҳам аслида маълум шароит, муҳитда шаклланиб, турфа мева берадиган

Маънавият

даракта ўхшайди. Агар унга обиҳаёт берилса гуллаб яшнайди, қобҳатдан эса, аксинча, қовҳатдан қурибди. Агар бола, мактабга бориш ўрнига уйда ёки турли интернет-клубларда хар хил бўлмағур кино ёки видеоклипларни кўриб, вақт ўтказишга одатланган бўлса, бунга том маънода фожиа дейиш мумкин. Чунки, бундай иродаси суст


одамлар қиммат деб олишмайди.

Холис фикр билдираётган йигитга қараб:

— Сиз ҳам шу ерда ишлайсизми? — деб сўради.

— Э, йўқ. Ўзим, шунчаки видео маҳсулотларга қизиқаман. Менда асл нусхадаги кино, концерт дискарлари 250 тага етди.

— Сир бўлмаса, қаердан олиб келасиз, бу дискарлар?



болалар хар қандай таъсирга берилувчан бўлиб, яхши ёки ёмондан ажратолмайди. Ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортирмайди. Иллатнинг томир отиб кетишига нималар сабабчи? Ўша видеомаҳсулотлар ҳонадонларга қандай кириб бормоқда?!

Вилоятда кино-видео маҳсулотлари билан савдо қилаётган бир-иккита дўконни оралаб, қизик ҳолатларнинг гувоҳи бўлдик.

— Келинг, сизга қандай дискарлар керак, — дейди ёшгина йигит соддалик билан. — Бизда хохлаганингиз топилади.

— Йўғ-э, шундайми? Унда бизга асл нусхадаги кино-фильмлар керак, — деймиз биз ҳам сир бой бермай.

— Мана, марҳамат. Лекин, сиз айтган фильмларнинг асли бизда ҳам йўқ...

— Булар-чи, кўчирилганими?

— Ҳа, буларни "полуоригинал" дейишади, нархи ҳам арзон, 2000 сўм, мана бу дискарлар эса 700 сўмдан.

Унда оригинал — асл нусхаси қанча туради?

— Э, хар хил. 5 мингдан 16 минггача. 25 минггилга ҳам боради. Зато, улар сифатли, 5-10 йилгача кўрсангиз ҳам "килт" этмайди. Лекин,

ни?

— Қаердан бўларди. Тошкентдан, студияларнинг ўзидан-да!

Шундай деди-ю, кўзларини олиб қочди. Қизик... Балки, фақат студиялардан эмасдир... Яна бир дўконга кириб, очикдан-очик, "Бизга энг арзон кино, концерт дискарлари керак эди, борми", деб сўрадик. Сотувчи ҳайрон бўлди-ю, кейин бир нарсани сезгандек, "Бизда унақаси йўқ", деб кескин жавоб берди.

— Кечирасиз, — деймиз орадаги нуқулйиллини кўтариш учун. — Ҳақиқийси ва қароқчилик йўли билан қўлайтириб сотилаётган видео маҳсулотларнинг фарқини билиб олмакчи эдик-да.

— Шунга қимматликими? Асл нусха кино-видео маҳсулотларнинг мана бундай белгиси бўлади. Кейин уларда ҳеч қандай қусур бўлмайди...

Ақсинча, кўчирилгани энг арзон дискарда турли шовқин ёки узилишлар, чиқиклар, ёки жойлар умуман кўчирилмаган бўлади.

— Қизик, шунақа дискарлар қаердан пайдо бўларкин?

— Қаердан бўларди, айримлар уйда кўчиришади. Ҳозир бунинг ҳеч қийин жойи йўқ. Кўпчилигининг уйда компьютер бор...

Ана шунақа гаплар. Йўл-

йўлақай яна бир-икки видео дўконларга кириб кўрдик. Пештахталарда териб қўйилган видео-дискларни бирма-бир кўздан кечирамиз. Деярли ҳаммаси сотувчининг тили билан айтганда, "полуоригинал". Нархи 2000 сўм.

Қисқаси, тадбиркорликни турли йўллар билан бўлса-да, мўмай даромад олиш деб тушунадиганлар кўп орамизда. Айниқса, одамларнинг онгини заҳарлаб, руҳиятига таъжовуз қилиш мақсадида яратилган "бозорбоп" кино-видео маҳсулотлари, ҳатто, уйларида кўчириб, кўпайтириб сотаётганларни асло кечириб бўлмайди.

"Ўзбекино" миллий агентлиги бош директори А. Исҳоқов бир йилгилда сўнгги йилларда компакт дисклар оммавий истеъмолга кириши муносабати билан кино-видео маҳсулотларини ноқонуний кўпайтириб сотиш ва тарқатишни касб қилиб олган "тадбиркор"лар кўпайиб бораётганлиги, улар фаолияти ўрганилганда қонунбузилиш ҳоллари аниқланганлиги ва бундай ҳолатларга қарши кескин чоралар кўрилаётганлигини таъкидлаган эди. Бозор ва кўчаларда турғун бўлмаган шароитларда кино-видео маҳсулотларнинг савдосига йўл қўймайликни қаттиқ назоратга олиш лозимлиги ҳамон долзарблигига эга бўлиб келмоқда. Зеро, агентлигининг барча мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб бораётган сайёҳаракатлари, текширувлари омманинг кўмагисиз қўтилган натижани бермаслиги аниқ. Ҳозир ҳам, вилоятимиз шаҳар ва туманлари бозорларида қалбаки аудио-видео маҳсулотларни сотиб юрган яқка тартибдаги тадбиркорларни, ёш-ёш болакайлари ҳам учратиш мумкин. Бунга чек қўйиш учун аввало лоқайдлик иллатидан фориб бўлиш, бузғунчи аудио-видео маҳсулотларни хар қим ўзига, ўз фарзанди келажига таҳдид деб тушуноғи лозим.

Сайёра РИХСИЕВА.

Қатрлар

ДАРЁ

Сокин дарё бўйи ҳамиша одамлар билан гавжум. Зилол сувга боқиб, чарчолар ёзилади, кўнгилдан ғуборлар кетади. Айниқса, кундузи кўёш, кечаси ой нурига тик боқолмайдиганларга ўзгача ҳузур, ҳаловат бағишлайди. Аммо, унинг хислатларига беписандлик билан қаровчи, ғараз ни-ятли одамлар ҳам бор, орамизда.

Шундай эллардан бири зим-зиё тунда соҳилга келди. Қўл-даги халталарни бор кучи билан улоқтира бошлади. Шу пайт унинг кимдир кузатиб тургандек бўлди. Кўркувдан оёғи қалтираб, сувга шалоп этиб тушди-ю, оғзи ахлат аралаш сувга тўлди.

ЖИЛҒА

Тоғ бағридан ёруғликка интилган жилға кўёш нурида яйраб, товланиб, завқи тошиб кетди. Майса, гилёҳ, ўт-ўланларнинг олқишидан руҳланиб, шиддат билан оқа бошлади. Ҳовлиққанидан ёғинғисидан шовуллаб оқаётган тошқин дарёга эътибор бермай, ўзинини яйдок чўлга бурди. Натижада, ёлғизоёқ йўллар тагига сингиб кетди.

Сайёра РАҲМОН.

Учтепа туман ҳокимияти томонидан 2007 йил 17 июлда № 001710-01 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "ZIVODA POLIMER" маъсулияти чекланган жамияти Учтепа тумани ҳокимияти томонидан 2009 йил 27 апрелда № 01-00672 реестр рақам билан рўйхатга олинган "NIG'MATJON-RIN" маъсулияти чекланган жамиятига қўйилганлигини эълон қилади.

Утеранный диплом № 127550, рег. № 485, выданный в 1996 году Ташкентским педагогическим институтом на имя Шамсиевой Дилафуз Музафаровны, **СЧИТАЕТСЯ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ЧП "REKSELA SERVICE" (ИНН 300985000), зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства сохкимията Хамзинского района г. Ташкента (реестровый номер 002102-07 от 14.11.2008 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент, Хамзинский район, ул. Ферганская, 3-й пр., дом 172, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение о добровольной ликвидации) № 3/2009 от 19.10.2009 года).

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Телефон: 299-83-49.

Учтепа туман ҳокимияти томонидан 2009 йил 6 июлда № 00310-01 рақам билан рўйхатга олинган "BRG ENERGO QURILISH MONTAJ" МЧЖга тегишли юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, дунолук муҳр ҳамда учбурчак, штамп йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Рассом хандаси



Осимхон ВОСИХОНОВ чизган расм.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзиллими:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот
бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Ирода НОРБОВЕВА
Саҳифаловчи
Умид УБАЙДУЛЛО